

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2018
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.ЗИЯЕВ

Турли тизимли тилларда “интенсификация” концептуал семантикасининг морфологик сатҳда ифодаланиши 72

Х.ЖАББОРОВ, Э.ЖАББОРОВ

Қарши топонимлари тадқиқотчиси..... 76

Н.АЛИБОЕВА

Инглиз тилида тасвирий маънонинг ифодаланиши 80

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ**Ф.РАШИДОВА, Ш.ИГАМБЕРДИЕВА**

Талабалар томонидан 1-даражали чет тилларни ўзлаштиришнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш..... 84

А.НУРМУҲАМЕДЖАНОВ

Таълимда замонавий технологик ёндашув омиллари..... 88

Н.БАЙДУЛЛАЕВА, И.ДОМУЛАДЖАНОВ, Ш.ДОМУЛАДЖАНОВА, С.ИСРОИЛЖОНОВ

Лицей, коллеж талабалари, мактаб ўқувчиларининг ақлий меҳнатга резистентлигига экологик шароитларнинг таъсирини ўрганиш..... 92

Э.МИРЗАЖОНОВА, А.ҲОМИДОВ

Нутқида камчилиги бўлган мактабгача ёшдаги болаларга психологик-коррекцион усулларнинг мослиги ва самарадорлиги муаммолари 96

ИЛМИЙ АХБОРОТ**И.НЕЪМАТОВ, С.КУКИЕВА**

Боғлиқмас тасодифий сондаги тасодифий миқдорлар йиғиндисининг максимумини баҳолаш ҳақида 100

А.ЮСУПОВА, С. УКТАМОВ

Натурал сонларни кўпайтиришнинг бир усули ҳақида 102

Р.УМУРЗАКОВ

Носир Фозиловнинг “Саратон” қиссасида ўсмирнинг руҳий олами ва ижтимоий муҳит 104

М.САИДАКБАРОВА

Алишер Навоий ижодида тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима 106

Ф.ОРИПЖОНОВА

Фарида Афрўз лирикаси 109

Д.ХОДЖИМЕТОВА

Адабиётни ўқитиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш..... 111

Л.СИНДОРОВ

“Ҳибатул-ҳақойиқ”даги айрим ўзлашмалар хусусида 113

У.УМУРЗАКОВА

Лингвокультурология ва прагмалингвистиканинг алоқадорлигига доир..... 116

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, Н.ИСРОИЛОВ

Оиладаги маънавий муҳитни яратишда ота-она ибрати – жамият тараққиёти омили..... 118

М.БАҲРОМОВА

Маданиятнинг эстетик потенциали ва унинг ўзига хослиги 121

Ш.Б.ХОЛИҚУЛОВА

Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи қурилиши тарихи..... 124

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Фарғона давлат университети (собик олий педагогика институти)нинг иккинчи директори Босит Қориев 127

УДК: 41+042/14

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЯ ВА ПРАГМАЛИНГВИСТИКАНИНГ АЛОҚАДОРЛИГИГА ДОИР

У.Умурзакова

Аннотация

Мақолада лингвокультурология и прагмалингвистиканинг алоқадор жиҳатлари Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асари асосида таҳлил қилинган.

Аннотация

В этой статье на основе произведения Т.Мурода “Отамдан қолган далалар” рассматриваются проблемы лингвокультурологии и прагмалингвистики

Annotation

In this article the connected sites of linguaculture and progmalinguistics “Отамдан қолган далалар” by Tog’ay Murod’s fiction was analyzed.

Таянч сўз ва иборалари: лингвокультурология, прагмалингвистика, нутқий акт, прагматика, антропоцентрик йўналиш.

Ключевые слова и выражения: лингвокультурология, прагмалингвистика, речевой акт, прагматика, антропоцентрическое направление.

Keywords and expressions: linguaculture, progmalinguistics, oral statement, pragmatics, antroposentrics direction.

Бугунги кунда замонавий тилшунослиқда бир қатор янги соҳалар вужудга келди. Булар жумласига прагмалингвистика, социалингвистика, психалингвистика, лингвокультурология, нейролингвистика кабиларни киритиш мумкин. Ушбу ишда прагмалингвистика ва лингвокультурология соҳасидаги боғланишларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Прагматиканинг лингвистик тадқиқот объекти сифатида юзага келиши ва алоҳида предмет сифатида ажратилиши Ч.С.Пирс ғоялари билан узвий боғлиқдир. Унинг лингвистик прагматика хусусидаги ғояларининг шаклланиши XX асрнинг 60-70-йилларида Дж.Остин, Дж.Серл, З.Вендлерларнинг нутқий актнинг мантиқий-фалсафий моҳияти, шунингдек, П.Грайснинг маънонинг прагматик назарияси, Л.Линский, Дж.Р.Серл, П.Ф.Стросонларнинг референциянинг прагматик назарияси каби йўналишлар таъсири билан алоқадордир [1]. Демак, нутқий акт прагматиканинг асосидир.

Ўзбек тилшунослигида ҳам лингвистик прагматика йўналишининг ўрганилиши дастлаб матн лингвистикасига оид ишларда кўрина бошлади. Кейинчалик прагмалингвистика М.Ҳақимов ва Ш.Сафаровнинг тадқиқотларида тўла асосланди [2.3]. Аммо ўзбек тилшунослигида нутқий акт назарияси етарлича ўрганилмаган.

Янги ривожланаётган соҳалардан яна

бири лингвокультурология эса фаннинг янги, махсус соҳаси сифатида XX асрнинг 90-йилларида вужудга келди. “Лингвокультурология инсоний, аниқроғи, инсондаги маданий омилни тадқиқ этувчи фандир. Бу эса шуни билдирадиги, лингвокультурология маркази маданият феномени бўлган инсон тўғрисидаги антропологик парадигмага хос бўлган ютуқлар мажмуасидир” [4.222]. Ушбу соҳа билан В.А.Маслова, В.Н.Телия, Г.Г.Слишкин, Н.Алефиренко кабилар шуғулландилар.

Ўзбек тилшунослигида эса лингвокультурологияга оид тадқиқотлар охириги ўн йилликларда пайдо бўла бошлади [5.33]. Бу борада, Н.Маҳмудов, З.И.Солиева, Р.С.Ибрагимова, Д.Худойберганова, Ш.Усмонова кабиларнинг тадқиқотлари эътиборга моликдир [6,7,8,9].

Бизга маълумки, коммуникатив ниятни ифодалаш стратегияси прагмалингвистикада бош масаладир. Сўзловчи ана шундай ниятни аниқ ва тўғри ифодалаши учун турли маданий ва миллий урф-одатлар билан боғлиқ ижтимоий қонун-қоидаларни билиши керак бўлади. Айни шу нуқтада прагмалингвистика ва лингвокультурология бир-бирига боғланади. Масалан,

Бўлдим-бўлдим сурхони бўлдим – байча дейин-да.

–Қани, ё, бисмилло! – дея қўшқўллаб кўришидим.

– Омонгинамисиз, Кларабайча? Вақтгинангиз хушми, Кларабайча?

У.Умурзакова – ФарДУ лингвистика (ўзбек тили) мутахассислиги 2-курс магистранти.

Ўйнаб-кулибгина юрибсизми, Кларабайча?..

–Нима-нима?

–Кларабайча?

–Аёл лаб бурди. Аёл қош керди.

–Байча? Какая байча? – деди. – Мен

Клара Ходжаевнаман! [10.84]

Т.Мурод асаридан олинган юқоридаги мисолда Деҳқонқул аёлни ўзига энг яқин одам, қариндошдек кўриб, суйиб, "байча" деб атайди, аёлга эса бу қишлоқча масхаралашдек туюлади. Деҳқонқул ва руслашган аёл маданиятлари ўртасидаги номуаносиблик, уларнинг сўз бойликларидаги номуаносибликни юзага келтирмоқда. Айни шу нуқтада прагматингвистик томондан Деҳқонқул нутқида "бўйсуниб", "ялиниш", "ўзига яқин олиш", "хурмат" нутқий актлари намоён бўлади. Деҳқонқул нутқидаги коммуникатив ният аёлга яхши кўриниб, биринчи учрашувданоқ ўзига нисбатан унда яхши таассурот уйғотиш учун уриниб бўлиб, бу аёл томонидан самимият билан қабул қилинмайди, аёл нутқида эса "ғазабланиш", "менсимаслик", "ўзини катта олиш" нутқий актлари юзага чиқади.

–Чанишев! Ўзбек қаерда таваллуд топади – ана ўша ерда ўлади! Ўзбек ўз эл-юртида ўлади! Ўзбек ўз ўлан тўшагида ўлади! Ўзбек ана шундай ўзбек! [10.42]

Ушбу парчада ўзбек маданиятининг ўзига хослиги ифода этилган. Қаҳрамон нутқида эса ўзбек лексемасини **ўзбек** шаклида ифодалаш орқали интонацияни кучайтирилмоқда, жумлада "ўз миллатидан фахрланиш", "хурмат", "мақтаниш" нутқий актлари ундов гаплар орқали намоён бўлмоқда.

Шу суҳбат давомида Ақраб яна қуйидаги фикрларни билдиради:

–Ўрис! Сен ана шундай ўласан! Ўрис қаерда ўлади – ўлиги ўша ерда қолади. Ўрис

учун ўлар ери мазор бўлади. Мазорига бир хочўп қадаб кетади – бўлди! Ўрис! Ўзбек қаерда ўлади – ўлигини ўз эл-юртига олиб келади. Ўзбек ўлигини ўз қиблагоҳига кўмади. Ўзбек ўлигини ўз бош-тожиги кўмади. Шу боис, ўзбеки қабристон қиблагоҳда бўлади! [10.42]

Парчада икки маданият солиштирилмоқда. Қаҳрамон дастлабки фикрларини ривожлантириб, икки маданият ўртасидаги фарқлар орқали уларни далилламоқда. "Рус" сўзини "ўрус" тарзида қўллаб, ижодкор фақат чет маданияти эмас, балки унинг сўзларини ҳам халқ қабул қилишга қийналаётганини тасвирлаган. "Қиблагоҳ", "бош-тожи" каби лексемалар муқаддас, эъзозли жой семаларига эга. *Ўзбек ўлигини ўз қиблагоҳига кўмади. Ўзбек ўлигини ўз бош-тожиги кўмади* тарзидаги жумла такрори ва бир-бирига яқин маъноли сўзлардан фойдаланиш орқали муқаддаслик даражаси оширилган, ўзбеклар инсонни шунчалар муқаддас санайдиларки, ҳатто ўлигини ҳам муқаддас жойга, муқаддас томонга кўмадилар, демоқчи. Демак, қаҳрамон нутқида миллатни улуғлаш нутқий актига алоҳида урғу берилган.

Хулоса қилиб айтганда, прагматингвистиканинг ҳам лингвокультурологиянинг ҳам асосида антропоцентрик йўналиш тургани учун улар ўзаро боғлиқ. Инсоннинг объектив оламдаги барча ижтимоий ҳатти-ҳаракатлари унинг нутқий фаолиятида ўз ифодасини топади. Инсон нутқини ўрганиш эса унинг маънавий олами билан танишиш имконини беради. Маънавият бўлса маданият билан узвий боғлиқ. Лингвокультурология инсонга маданият жиҳатидан ёндашса, прагматингвистика уни нутқий жиҳатдан тадқиқ этади.

Адабиётлар:

1. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990.
2. Ҳакимов.М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Т.: Академнашр, 2013.
3. Сафаров. Ш. Прагматингвистика. – Т., 2008.
4. Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа "Языки русской культуры", 1996.
5. Усмонова Ш. Таржиманинг лингвомаданий аспекти. –Т., 2015.
6. Салиева З.И. Концептуальная значимость и национально-культурная специфика сентенции в английском и узбекском языках: Автореф. дисс...канд. филол. наук. –Т., 2010.
7. Ибрагимова Р.С. Француз ва ўзбек тилларида АЁЛ концептининг лингвокогнитив тадқиқи: Филол. Фанлари номзоди.дис.автореф. – Т., 2012.
8. Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. –Т.: Фан, 2013.
9. Маҳмудов. Н. Тил тилсими тадқиқи. – Т.: Mumtoz so'z.2017.
10. Т.Мурод.Отамдан қолган далалар. – Т.: Шарқ,1994.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).